

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН – ИНТЕГРАТИВ ТАЪЛИМ НЕГИЗИДА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙЛИ ВА УНГА ҚЎЙИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

**Тўрақулов Х.А.**

ЖДПУ Профессори, Педагогик Таълим Халқаро Фанлар Академияси Академиги,  
Техника Фанлари Доктори

**Сайдахматов С.С.**

ЖДПУ ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7393921>

**Аннотация.** Мазкур мақолада инновацион – интегратив таълим негизида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг ижтимоий жиҳатдан зарурлиги асосланади ва улар асосидаги бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашга қўйилган замонавий талаблар шакллантирилади. Ушбу мақоладан бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириши муаммоси билан шугулланувчилар фойдаланиши мумкин.

**Калит сўзлар:** инновацион-интегратив; тайёрлаш; бўлажак ўқитувчилар; ижтимоий; талаблар; таълим; интегратив ёндашув; тизим; узлуксиз; инновацион метод; технология; малакали; рақобатбардош; инновацион ривожланган; мутахассис; асосий мақсад; йўналиш; концентуал кетма – кетлик; олий таълим; ривожлантириш; устувор; йўналиш.

## СОЦИАЛЬНЫЕ И СОВРЕМЕННЫЕ ТРЕБОВАНИЯ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННО-ИНТЕГРАТИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

**Аннотация.** В данной статье обосновывается социальная необходимость подготовки будущих учителей на основе инновационно-интегративного образования, а на их основе формируются современные требования к подготовке будущих учителей начальных классов. Данная статья может быть использована теми, кто занимается проблемой совершенствования подготовки будущих специалистов к профессиональной деятельности.

**Ключевые слова:** инновационно-интегративный; подготовка; будущие учителя; Социальное; требования; образование; интегративный подход; система; непрерывный; инновационный метод; технологии; квалифицированный; конкурентоспособный; инновационное развитие; эксперт; Основная цель; направление; постоянная последовательность; высшее образование; разработка; приоритет; направление.

## SOCIAL AND MODERN REQUIREMENTS OF TRAINING OF FUTURE TEACHERS BASED ON INNOVATION - INTEGRATIVE EDUCATION

**Abstract.** In this article, the social necessity of training future teachers on the basis of innovative-integrative education is based, and based on them, modern requirements for training future primary school teachers are formed. This article can be used by those who deal with the problem of improving the preparation of future specialists for professional activities.

**Keywords:** innovative-integrative; preparation; future teachers; social; requirements; education; integrative approach; system; continuous; innovative method; technology; qualified; competitive; innovative development; expert; main goal; direction; constential sequence; higher education; development; priority; direction.

Ҳозирда дунё миқёсидаги ижтимоий – иқтисодий ва илмий – техникавий соҳаларда олиб борилаётган глобал ўзгаришлар кадрлар тайёрлаш тизимини, хусусан бўлажак мутахассисларнинг тизимини ҳам инновацион – интегратив таълим асосида такомиллаштиришни тақозо этади. Бу эса инновацион – интегратив таълим асосида ўқитишнинг педагогик ва психологик асосларини аниқлаштириш, таълим жараёнида таълим олувчиларнинг иккинчи даражали маълумотларга нисбатан ижодий – касбий ёндашувларини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор демакдир.

Бу эътиборни амалга оширишда олий таълим муассасаларидаги инновацион – интегратив таълимга асосланган ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятида инновацион ва интегратив ёндашувларни такомиллаштириш уларни касбий – педагогик фаолиятга тайёрлашда ва таълим сифатини оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Бу борада мамлакатимизда эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда, яъни олий таълим сифатини ошириш, кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш ишларини бажаришдаги таълим (ўқитиш) жараёни илм – фан ва техника – технологияларнинг энг сўнгги ютуқлари билан интеграцияланмоқда ва натижада булар орқали инновацион ривожланган, рақобатбардош замонавий кадрлар тайёрлашга мустаҳкам замин тайёрланмоқда. Булар негизида бўлажак мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим – тарбия соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорликка эришишга, уларнинг жаҳон таълими талаблари билан мослиги ҳамда амалий – касбий ҳаётдаги ўрнини қай даражада топаётганликлари ҳам аниқланиб борилади. Шу маънода инновацион – интегратив таълимни яхлит мураккаб динамик жараён сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунга сабаб инновацион – интегратив таълимда унинг интерфаол сифатлари, тарбиявий қисмлари, функционал тавсифи ва узвийлиги изчил тадқиқ қилинади. Бу Республикаимизда бозор муносабатларининг шаклланиши малакали мутахассисларга бўлган талабнинг тобора кучайиб боришидаги пайдо бўладиган муаммолар ечимини ҳал қилишда ўта муҳим жиҳат ҳисобланади.

Кейинги йилларда узлуксиз таълим тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар юқори малакали кадрларга бўлган талабларнинг ижтимоий эҳтиёжига айланишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли давлатимиз томонидан юқори малакали кадрларни тайёрлашга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасигача кўтарилмоқда. Қуйидаги ҳужжатлар фикримизнинг нечоғлик аҳамиятли эканлигини кўрсатади: Ўзбекистон Республикаси “Илм – фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29-октябрдаги ЎРҚ-576 сонли Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ – 2909 сонли Қарори ва “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 3775 сонли Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 23 – октябрдаги 797 сонли Қарори ва шу каби давлат ҳужжатларида мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизимини жаҳон таълими андозаларига мос талабларни эътиборга олган ҳолда модернизациялаш масалаларига кучли эътибор бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегиясида “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашни халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалар фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш” вазифалар белгиланган [3]. Бундай вазифаларни бажариш борасида мутахассис-олимларимиз ва тадқиқотчиларимиз олдида бўлажак мутахассисларни интеллектуал салохиятли, касбий - маънавий етук, рақобатбардош замонавий кадр ва энг асосийси инновацион ривожланган қилиб тайёрлашдек муҳим вазифалар турибди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 29-апрелдаги ПФ-5712 сонли ҳамда Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий – ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 8 – октябрдаги ПФ – 5847 сонли Фармонлари ҳам мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини тубдан ислох қилишга ва бўлажак мутахассисларни учинчи минг йилликнинг фаол иштирокчиси қилиб тайёрлашга қаратилган [5 - 6].

Демак, ҳозирда олий таълим тизими олдида уни янги босқичга кўтаришда, яъни, олий таълимни жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этиш, таълим жараёнининг илмий-назарий, илмий-методологик, илмий-амалий, инновацион-интегрatív муаммоларини хал қилиш ва бўлажак мутахассисларни касбий-маънавий етук, инновацион ривожланган рақобатбардош қилиб тайёрлашдек вазифалар турибди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлар қатори Республикаимизда ҳам жаҳон таълими талабларини этиборга олган ҳолда инновацион ривожланган малакали мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада илғор хорижий мамлакат олимлари ва нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳам алоқалар ўрнатилган. Улардаги инновацион метод ва технологияларини ўрганиб, улар орқали эришилган ютуқлардан мамлакатимиздаги бўлажак мутахассисларни тайёрлашда самарали фойдаланмоқда.

Бундай инновацион метод ва технологияларнинг назарий негизини ташкил этувчи илм – фанни ва техника – технологияларини тараққий эттиришда жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ташаббускор, ғайратли, фидоий, қобилиятли, истедодли, билимли, ижодкор ва энг асосийси инновацион ривожланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада олиб борилган илмий изланишларимиз ва кузатишларимиз натижалари бўлажак бошланғич синф

ўқитувчилари ўз билимларини амалиётга ижодий қўллаш олиш ва бунда инновацион – интегратив таълимдан самарали фойдалана билишлари зарурлигини кўрсатмоқда [14 - 16].

Бунда бошланғич таълим йўналиши бўйича бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион – интегратив таълимга бўлган ижодий муносабатларини тарбиялаш учун қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш керак:

- бошланғич таълимга оид инновацион – интегратив таълимни яхлит тизим сифатида тизимлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш;
- инновацион – интегратив таълимни ривожлантиришнинг энг муҳим ва мақбул йўналишларини аниқлаш;
- инновацион - интегратив таълимнинг ташкилий - тузилмавий моделидаги қисмтизимлар ва қисм элементлари орасидаги ахборот алмашинувининг дидиктик жараёнларга мослигини аниқлаш;
- электрон ўқув нашрлари ва ресурсларини яратиш негизидаги инновацион - интегратив таълим муҳитини шакллантиришда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг онгли ва фаол иштирокини таъминлаш;
- бошланғич таълимга инновацион - интегратив таълимни яратишнинг мультимедиали технологиялари билан тизимли интеграцияни таъминлаш ва шу қабилар.

Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8-октябрдаги ПФ-5847 сонли Фармонида “Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юқори маънавий - ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий ва иқтисодий тармоқларини ривожлантириш”, деб белгиланган талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали жаҳон таълими талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош замонавий мутахассисларни тайёрлашга эришилади [6].

Бу қайд этилган кетма - кетлик асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда салмоқли фундаментал тадқиқот ишларини олиб боришга тўғри келади.

Демак, замонавий бошланғич таълим учун бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион - интегратив таълим асосида тайёрлаш масаласи узлуксиз таълим тизимидаги долзарб ва истиқболли ижтимоий муаммо экан. Хозирда бундай муаммо ечимини ҳал этишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Бунга инновацион - интегратив таълим кенг қамровли, кўп қиррали, мураккаб ва ижодий ташкилий-педагогик фаолият эканлиги доимо диққат марказимизда бўлиши керак.

Мамлакатимиздаги замонавий тараққиёт даражасига эътибор берадиган бўлсак Республикаимизда ахборотлашган жамият қуриш йўлидаги асосий вазифа ахборотлаштириш негизида инновациялаштирилаётган жамиятнинг барча таркибий қисмларини ривожлантириш ва улар негизида инновацион ривожланган бўлажак мутахассисларни тайёрлаш замонавий таълим тизими олдида турган муҳим ва истиқболли долзарб муаммолардандир. Айниқса, хозирга келиб, яъни XXI асрда бўлажак мутахассисларни

тайёрлашдаги таълим мазмунига илм-фан ва техника-технологияларнинг энг сўнги ютуқлари ҳақидаги маълумотларни интеграциялаб боришга кучли эътибор қаратилмоқда. Бунга сабаб учинчи минг йилликнинг фаол иштирокчиси янги фикр, инновацион ғоя ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш ўй - хаёли билан яшамоғи керак. Шу сабабли бошланғич таълим бўйича бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашнинг ДТС га қўшимча қилиб қуйидаги талабларни қўйишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб жамият ва давлатнинг замонавий талабларини қондириш борасидаги илмий, илмий – методик, амалий - методик, методик ишланмалар кабилар мажмуасини таркиб топтириш ва улардан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштиришга мос бўлганларини танлаб олиб, улар бўйича маълумотлар базасини ташкил этиш;
- бўлажак бошланғич **синф ўқитувчиларини** тайёрлашда илм-фан ва техника – технологияларнинг илғор ютуқларидан узлуксиз ва узвий равишда фойдаланиб боришни асосий кун тартибига айлантириш ва бунда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги таълим мазмуни бўйича тўлдирилган, бойитилган ва мукаммаллаштирилган таълим мазмунларини таркиб топтиришда кучли эътибор қаратиш;
- замонавий истиқболли ижтимоий - иқтисодий шароитлар учун ҳам жавоб бера оладиган инновацион ривожланган кадрлар тайёрлаш сиёсатининг устуворлигига эришиш ва бунда қаралаётган соҳа бўйича лойиҳаланган инновацион дастур асосидаги инновацион метод ва технологияларни яратиш борасидаги ижодий фаолиятга эътиборда бўлиш. Демак, бошланғич таълимга ва улар бўйича бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашга ҳар қачонгидан ҳам эътибор кучайган. Шу сабабли ҳам бу талабни бажариш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим бўлади:
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини кўп вариантли динамик жараён эканлигини эътиборга олиб унга етарли даражадаги инновацион-интегратив ёндашув қилишни ўйлаб фаолият юритиш керак;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг инновацион метод ва технологияларини ишлаб чиқиш.

Бу қайд этилган жиҳатлар замонавий бошланғич таълимга, хусусан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашга қатъий талабларни қўйишни талаб этади. Шу маънода бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашнинг **асосий мақсади** - бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий билимлари ва маҳорати ҳамда кўникмаларини мунтазам равишда шакллантиришда замонавий “мехнат бозори”, шахс, давлат ва жамиятнинг динамик равишда ўсиб боровчи эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларни касбий фаолиятга тайёрлаш динамикасини таъминлашдан иборатдир. **Бунда** бўлажак бошланғич синф ўқитувчисидаги ўқитувчининг касбий интеллектуал салоҳияти; инновацион ривожланганлиги; ўқув – услубий, ўқув-дастурий на ўқув-ахборотли таъминотлар билан таъминланганлиги; касбий билимларини ошириб боришга кўмак берувчи манбалар (маълумотлар баъзаси ахборотлар ва билимлар банки ва х.к)нинг мавжудлиги; олий таълим муассасасида ижодий муҳитнинг мавжудлиги; таълим берувчи ва таълим оловчиларнинг маънавий жиҳатдан камолоти даражаларининг етарлилиги ва шу

кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотимиз навбатдаги қисмида улар тўғрисидаги концептуал кетма- кетликли келтирамиз:

I. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлатириш концепциясини ҳисобга олган ҳолда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашга қўйилган талаблар.

II. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ҳисобга олган ҳолда бошланғич таълимни такомиллаштириш бўйича қўйилган талаблар.

III. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунини ҳисобга олган ҳолда бошланғич таълимга қўйилган талаблар

IV. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий интеллектуал салоҳиятига қўйилган талаблар

V. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқув-методик ва ўқув-ахборотли таъминотларига қўйилган талаблар.

VI. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий билимларини ошириб боришга қўйилган талаблар.

VII. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий фаолият йўналишларига қўйилган талабар.

Энди қайд этилган кетма-кетликнинг асосий йўналишлари ҳақида тўхталамиз.

**Биринчи йўналишнинг асосий мақсади** негизини бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион ривожланган, рақобатбардош замонавий кадр сифатида таркиб топтириш масаласи ётади ва уларни қўйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳанинг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;
- халқаро талаблардан келиб чиқиб, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашнинг илғор (истикболли) стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;<sup>1</sup>
- хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва бошқа буюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштиришга оид инновацион-интегртив таълим марказларини ташкил этиш;
- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларнинг юқори **импакт-факторга** эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек, Республика илмий журналларини халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари таълим – тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга тадбиқ этиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнининг амалиёт ва илмий тадқиқот ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликларини йўлга қўйишнинг изчил тизимини ишлаб чиқиш ва уни жорий этишга эришиш;
- профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида сўровномалар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш [6].

**Иккинчи йўналишнинг асосий мақсади** негизида ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-маърифий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш масалалари ётади ва уларни қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- бошланғич таълим мазмунини сифат жиҳатидан янгилашга оид ижодий фаолиятда инновацион ёндашувлар қилишга мунтазам равишда фаол иштирок этиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич тадбиқ этишнинг фаол иштирокчиси сифатида тайёрлашда доимо эътиборда бўлиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини бошланғич таълимга замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этишга тайёрлашга доимо эътиборда бўлиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга жорий этишга тайёрлаш ва шу қабили [5].

**Учинчи йўналишнинг асосий мақсади** негизида ахборот маконида илм-фан ва технологиялар асослари, ютуқларини оммалаштириш, шунингдек, илм-фан ва илмий фаолият соҳасига оид тегишли тадбирларни тарғиб этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ишлари ётади ва уларни қуйидаги кетма-кетлик бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- илм-фан ва илмий **фаолиятни** ривожлантириш орқали инновацион ривожланган бошланғич синф **ўқитувчисини** тайёрлашга эришиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда илм-фан ва инновацион технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва уларга мос ресурсларни мақсадли йўналтиришга доимо эътиборда бўлиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида давлат илмий дастурларини ишлаб чиқишга асосланган ташаббус на лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга ҳавасини уйғотиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштиришни оптималлаштиришга ўргатиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини **"фан-таълим-амалиёт"** тизимининг узвий

боғлиқлигини таъминлаш ва ундаги манфаатдорликни ошириш мезонларини ишлаб чиқишга ўргатиш;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг ахборот макони билан узвий боғлиқлигини таъминлашга ўргатиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини илм-фан ва илмий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид манбаларни тахлилий урганиб. улардан амалий фаолиятда фойдаланишга ўргатиш ва шу кабилар [1].
- Бу йўналишда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижтимоий билимдонлиги асосий эътиборимизда бўлади.

**Тўртинчи йўналишнинг асосий мақсади** негизда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларидаги ақл-идрок, заковат, маънавий жиҳатдан етуклик, тасаввур, синчиковлик кабилар орқали, уларни жамланган материалларни билишга (таққослаш, абстракциялаш, хукм чиқариш ва шу кабиларга), мавжуд билимни танкидий (тахлилий) ўрганишга тайёрлаш кабилар ётади ва уларни қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- замонавий бошланғич синф ўқитувчиси ўзининг инновацион ривожланишини, педагогик қобилияти ва махоратини динамик равишда ошириб боришини одатий ҳолатга айлантириш,
- замонавий бошланғич синф ўқитувчиси ижтимоий жиҳатдан ҳам билимдон бўлмоғи лозим, яъни у мунтазам равишда жамиятимиздаги ва давлатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлардан хабардор бўлмоғи лозим;
- Замонавий бўлажак бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси хорижий тилларни билмоғи ва компьютерлар билан "тиллаша" олмоғи лозим;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси бошланғич таълимга оид давлат ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таниш бўлиши керак ва улардан амалий- касбий фаолиятда фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши керак;
- замонавий бошланғич синф ўқитувчиси мутахассислик (ихтисослик) ва махсус фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услугий қўлланмалар, тарқатма материаллар ва слайдлар (вертуал стентлар ҳам) ярата олиш малакасига эга бўлишлиги ҳамда фан бўйича кейинги янгиликлар ва уларнинг амалий аҳамиятлари ҳақида мукамал билимларга эга бўлмоғи лозим;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ўзининг келажакдаги касбий- фаолиятида ўзи ўқитадиган фани бўйича тўлиқ ДТС талабларини билиши керак;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси бошланғич таълим бўйича ДТС даги билим, кўникма ва малакаларга оид талабларни тўлиқ бажарадиган бўлиши керак ва шу кабилар.

Бу йўналишда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг **салоҳияти ва интеллекти** асосий эътиборимизда бўлади. Бу борада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг салоҳияти деганда у ўзини муайян тарзда унга келадиган илхомни қабул қилишга тайёрлангандан сўнг юз берадиган сифат эканлигини эътибордан чиқармаслик керак. Чунки, улар орқали одамлар илм-маърифатли, ақл-заковатли бўладилар ва бундай ақл-истеъдод эгаларини салоҳиятли кишилар дейилади. Ушбу йўналишдаги интеллектни эътиборга олишда эса инсоннинг дунёқараши кенгайишидаги тафаккур қила олиш



қобилияти натижаси тушуниши лозим бўлади. Бунда бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг интеллектини шакллантирувчи омиллар: онг, ақл, фикр, ғоя, таълимот кабилар уларнинг интеллектуал салоҳиятини бардавон юксалиб боришида муҳим ҳаракатлантирувчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

**Бешинчи йўналишнинг асосий мақсади** негизида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ўқув – методик ва ўқув - ахборотли таъминотлардан узлуксиз ва узвий равишда фойдаланишга эришиш, келажакда, яъни ижтимоий-иқтисодий шароитлар учун ҳам жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сиёсатининг устиворлигига эришиш, таълимда сифат ўзгаришларига ҳамда юқори самарадорликка эришиш борасидаги илмий-техникавий ва ииформацион маълумотлар баъзасини яратиш, ДТСдаги сифат кўрсаткичига ва самарадорликка эришишнинг илмий услубларини ишлаб чиқиш, бу соҳадаги оптимал вариантларни танлашга истиқболли илмий - услубий ишланмалар тайёрлашга оид ижодий фаолият етади ва уларни амалга оширишни қуйидаги кетма-кетликда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади:

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни тайёрлашга оид ДТСлар бошланғич синфга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар: ўқув режалари, ишчи ўқув режалари, ўқув дастурлари, ишчи ўқув дастурлари, тақвимий ўқув режалари, маърузалар матни, курс ишларини тайёрлаш бўйича кўрсатма ва йўриқномалар, дидактик материаллар (дидактик маълумотлар, сиравочник маълумотлар, тарқатма материаллар, слайдлар, вертуал стентлар ва шу кабилар)дан амалий фаолиятда фойдаланишга қулайликни таъминлаш мақсадида тайёрланадиган йўриқнома ва кўрсатмаларнинг мавжудлиги;
- электрон ўқув адабиётлар; электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма; ўқитиладиган фанлар бўйича электрон портфель ва электрон қомусий луғат кабиларни тайёрлаш ва улардан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш амалиётида фойдаланишга оид методикаларни тайёрлаш;
- электрон ўқув адабиётларини яратиш малакасига эга бўлган интеллектуал салоҳиятли бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини таълим муассасаси қошидаги инновацион-интегртив таълим маркази фаолиятига кўпроқ жалб этишга эришиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашга оид мутахассислик (ихтисослик) ва маҳсус фанларни ўқитишга ахборот- коммуникацион технологияларни ишлаб чиқиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг компьютер саводхонлиги даражаларини замонавий талаблар асосида мунтазам равишда такомиллаштириб боришга эришиш, чунки ҳаётимизнинг деярли барча жабҳалари рақамли технологиялардан фойдаланишга боғлиқ бўлмокда;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашга оид “дидактик портфель” номли маълумотлар базасини тайёрлаш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари учун “ИНТЕРНЕТ” дан фойдаланиб бошланғич таълимга оид фанларга тегишли материалларни тўплаш ва улардан фойдалана олиш малакаларини берувчи тўпламларни ташкил этиш ва шу кабилар.

Бу йўналишда кўпроқ бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик жиҳатидан билимдонлигига ва ахборотли маданиятлилигига эътибор берилади. **Бунга сабаб** улар туфайлигина инновацион ривожланган бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини

тайёрлаш имконияти кафолатланади.

**Олтинчи йўналишнинг асосий мақсади** негизида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги даражасини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда улардаги касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга оид ижодий фаолият ётади ва улар қуйидаги кетма-кетлик бўйича амалга оширилади:

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашга оид таянч (пропедивтик) маълумотларнинг узлуксиз ва узвий маълумотлар тизимини шакллантириш ва улардан амалиётда фойдаланишнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашга оид, яъни уларнинг касбий фаолиятини шакллантиришга бевосита боғлиқ бўлган фанлар бўйича янгиланган (модернизациялашган) таълим мазмунини шакллантириш ва буларни тўлдирилган, бойитилган ҳамда мукамаллаштирилган таълим мазмунлари бўйича тизимлаштириб чиқиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашдаги мутахассислик (ихтисослик) ва махсус фанлар блокларига тегишли фанларга оид янги маълумотларни ИНТЕРНЕТ тармоғидан олишга эришиш ва олинган янги маълумотларни (адабиётларни) ҳамда ахборотларни мустақил равишда таҳлил қила олиш, улардан касбий фаолиятда кенг фойдаланишга эришиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашга оид инновацион-интегратив таълимни ва мультимедиа махсулотларини жорий этишга оид адабиётлар билан мунтазам равишда таништириб бориш ва улардан амалий-касбий фаолиятда фойдаланишни мунтазам равишда амалга ошириш ва шу қабилар.

Ушбу йўналиш бўйича фаолият юритишда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий билимдонлигига қўйилган талаблар асосий диққат- этиборимизда бўлиши керак. Бу бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий билимдонлиги ўқув дастури йўналишида илмий асосланган билим, кўникма, малакаларга эгаллигига, методик жиҳатдан асосланган амалий фаолиятни юрита олиш қобилияти, амалий-касбий фаолияти даврида учраган муаммоларнинг оптимал (энг қулай ва мақбул) ечимини мустақил ва онгли равишда топишининг инновацион метод ҳамда технологияларини эгаллайди.

**Еттинчи йўналишнинг асосий сабаби** негизида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига янгилик яратиш зарурлиги ва мумкинлигини ўргатиш, муаммони ифодалай олишга тайёрлаш, ғоя ва фаразини илгари суриш учун керак бўладиган билимларини ишга солиш, фаразни назарий ва амалий тасдиқлашга ўргатиш, муаммони ҳал қилишни оптималлаштириш ва натижада янги ишланмалар қилишга ўргатиш каби ижодий фаолият ётади ва уларни қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мумкин:

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашдаги истиқболли ва долзарб муаммолар нималардан иборат эканлигига доимо эътиборда бўлиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш ишларини замонвий талаблар (илм-фан ва техника-технологиянинг энг сўнги ютуқлари) асосида мунтазам равишда регулировка (ростлаш ишларини олиб бориш) қилиб бориш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашдаги мутахассислик (ихтисослик) ва махсус фанлар блокларига тегишли фанларни ўқитишни такомиллаштиришга оид

инновацион ёндашув қилишни мунтазам равишда амалга ошириб бориш ва бунда жамият тараққиётига оид илғор технологияларни ҳамда инновацион ғояларга кучли эътибор қаратиш лозим;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини фан олимпиадаларига, танловларга ва турли касбий фаолиятга оид кўргазмаларда қатнашишига доимо кучли эътиборда бўлиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда мунтазам равишда инновацион-интегрatív таълим (инновацион дастур, инновацион метод ва технологиялардан) дан самарали ва мақсадли фойдаланишларга эътиборли бўлиш ва уларнинг шу соҳада ижодий фаолият юритишга иштиёқининг методологик асосларини яратиш ва шу кабилар.

Ушбу соҳада фаолият юритишда кўпроқ бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини **ижодий ёндашув** қилишга тайёрлашга эътибор бериш керак.

**Саккизинчи йўналишнинг асосий мақсади** негизида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг эгаллаши лозим бўлган касбий билим, кўникма ва асосида шаклланадиган эзгу ғоялар, хулқ – атвори ва хатти – ҳаракатини онгли равишда амалга оширишга оид ижтимоий ёндашув ётади ва уларни қуйидаги кетма – кетликда амалга ошириш маъқул бўлади:

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари онгига маънавий-касбий етук мутахассис ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳамда нуфузи ҳақидаги мукамал маълумотларни мунтазам равишда сингдириб бориш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини маънавий-касбий етук кадр сифатида тайёрлашга мунтазам равишда эътибор бериш ва бунда шу соҳаннинг етук олимлари ва мутахассисларининг турмуш тарзи ҳамда фаолиятдан ибрат намуна сифатида фойдаланиш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда таълим дастурларидаги фанлар бўйича уларга тегишли маълумотларни вақтли матбуотдан, шунингдек, ИНТЕРНЕТ тармоғидан олинган маълумотлардан мунтазам равишда фойдаланиш керак;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг янги касбий фаолиятга оид адабиётлар билан мунтазам равишда танишиб боришида ахборот ресурс марказларидан самарали фойдаланишга эришиш ;
- касбий, маънавий-ахлоқий маданиятли, касбий-маънавий маданиятли, касбий-маънавий етук бўлган инновацион ривожланган замонавий бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлашга эришиш ;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини мунтазам равишда маънавий-марифий ишлар бўйича маънавий-касбий ва тарбиявий тадбирларни уюштиришнинг мукамал режасини ишлаб чиқишга ва уларни олиб боришнинг инновацион услубларини яратиш билан шуғулланишига ўргатиш ва одатлантириш ва шу кабилар.

Ушбу йўналишдаги ижодий фаолиятда асосан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг маънавий-ахлоқий маданияти асосий эътиборимизда бўлади.

Олиб борилган тадқиқот ишимиз бўйича **хулоса** ўрнида таъкидлаш мумкинки бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион-интегрatív таълим негизида тайёрлашнинг ижтимоий аҳамияти ва унга қўйилган замонавий талабларидан кўриниб турибдики, уларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион-интегрatív таълимга

асосланган методологик асосларини ишлаб чиқиш ушбу йўналишдаги замонавий педагогиканинг долзарб муаммоларидан иборат экан. Шу сабабли мазкур тадқиқот ишимизнинг кейинги қисмларида улар бўйича олиб бориладиган тадқиқот ишлари билан шуғулланамиз.

Шунингдек, инновацион- интегратив таълим универсал характерга эга бўлган ижодий ёндашувни талаб этади ва шубҳасиз унинг ёрдамида таълимда таълим сифатини янада юқори даражага кўтариш кафолатланди. Шу сабабли ҳам бошланғич таълимга қўйилган замонавий талабларни (7 та конуектуал кетма – кетликда ) бошқа йўналишдаги бўлажак мутахассисларни тайёрлашда фойдаланишга **тавсия** бериш мумкин. Бунда фақатгина тайёрланаётган мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятлари асосий эътиборда бўлади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм – фан ва ижодий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ – 576 сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари базаси, 30.10.2019, 03/19/576/ 39-70 сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ – 2909 сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. [www.lox.uz](http://www.lox.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 7 – февралдаги ПФ – 5264 сонли Фармони. [www.lox.uz](http://www.lox.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 3775 сонли Қарори. [www.lox.uz](http://www.lox.uz).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ – 5712 сонли “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. [www.lox.uz](http://www.lox.uz).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 – октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ – 5847 сонли Фармони. [www.lox.uz](http://www.lox.uz).
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 октябрдаги 797 сонли “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. [www.lox.uz](http://www.lox.uz).
8. Абрасимов А.Г. Информационно – образовательная среда учебного процесса в вузе. – М.: Образование и информатика, 2004, 256 б.
9. Визиров Т.Т. Теория и практика использования информационных и коммуникационных технологий в педагогическом образовании. Автор. Дисс...докт.пед.наук. – Ставрополь, 2001, 42 с.
10. Загвианский В.И. Теория обучения. Современная интерпретация. – М.: Академия, 2019, 192 с.
11. Михайлов А.Н. Педагогические условия совершенствования информационно –

- образовательной среды высшего учебного заведения. Автор.дисс. ...канд.пед.наук. – Нижний Новгород, 2007, 21 с.
12. Мустофоева Д.А. Махсус фан ўқитувчиларининг касбий ва педагогик компетентлигини ривожлантириш. Пед. Фанлари бўйича фалсафа доктори. (PhD) дисс. Автор. – Т.: 2019, 30 б.
  13. Никбаев Х.Х. Медия таълим асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий – танқидий ёндашувини такомиллаштириш. Пед.фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. Автор. – Т.: 2020, 24 б.
  14. Тўракулов Х.А., Жабборов Н.С. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг назарий – методологик асослари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2019, 152 б.
  15. Тўракулов Х.А., Сайдахматов С.С. Инновацион – интегратив таълимга оид таълим мазмунини шакллантириш // Ўша жойда. – Б. 217-219.
  16. Тўракулов Х.А., Сайдахматов С.С Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда инновацион – интегратив ёндашув қилишнинг методологик асослари // “MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS”. – Б. 264-268.
  17. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х.А., Ҳайдаров М.Ҳ., Ҳасанбоева О., Усмонов Н.Ў., Педагогика фанидан изоҳли луғат. –Т: “Фан ва технология”, 2009, 672 б.